

**«NEW LIFE SUG‘URTA KOMPANIYASI» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
БАЁНИ**

*Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ
кўчаси, 47 - уй*

*2022 йил 24 июнь
бошланиш вақти 17:00*

Раислик қилувчи: **Ф.Б. Ахмеджанов - «New Life sug‘urta kompaniyasi» АЖ кузатув кенгаши раиси**

Иштирок этганлар: **«New Life sug‘urta kompaniyasi» АЖ акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши аъзолари, Жамият Бош директори в.б., инвестиция маслаҳатчиси вакили.**

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият кузатув кенгашининг раиси олиб боради.

Йиғилишни жамиятнинг кузатув кенгаши раиси Ф.Б. Ахмеджанов очик деб эълон қилди ва акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни етказиш учун санок комиссияси вакили У.С. Қосимовга сўз берди.

Санок комиссияси вакили У.С. Қосимов куйидагиларни маълум қилди:

Марказий Депозитарий томонидан 2022 йил 20 июнь ҳолатига берилган «New Life sug‘urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati акциядорлари реестрига мувофиқ, овоз беришда 2 та акциядорга тегишли 31 064 500 дона овоз бериш ҳуқуқини берувчи акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 31 064 500 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 2 та акциядор рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 100% ни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси ва жамият уставига асосан йиғилиш **кворумга эга** ва кун тартибидаги барча масалалар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга.

Йиғилиш раиси Ф.Б. Ахмеджанов йиғилиш иштирокчиларига йиғилиш котибини сайлаб олишни таклиф қилди ва йиғилиш котиби сифатида Қосимов Умиджон Содиқович номзодини сайлашни таклиф қилди.

Ушбу таклиф йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакиллари томонидан бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг Ф.Б. Ахмеджанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди ва кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**
- 2. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.**
- 3. Жамият фаолиятининг 2021 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.**
- 4. Жамият фаолиятининг 2021 йил яқунлари бўйича Тафтишчисининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.**

5. Жамият томонидан 2021 йил якунлари бўйича кўрилган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.

6. Жамиятнинг ўтган йиллар тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш, жамият акцияларига дивиденд тўлаш тўғрисида.

7. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида.

8. Жамиятнинг ижро этувчи органи рахбари ваколатини узайтириш тўғрисида.

9. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий ташқи аудитни ўтказиш мақсадида 2022 йил учун аудиторлик компаниясини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.

10. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик Умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилиланган шахслар билан жорий хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимларни олдиндан маъқуллаш тўғрисида.

11. Жамиятнинг Уставини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.

12. Жамиятнинг “Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомларини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида.

13. Жамият Тафтишчиси фаолиятини тугатиш тўғрисида.

14. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Шундан сўнг кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича кузатув кенгаши раиси Ф.Б. Ахмеджанов йиғилиш регламентини қуйидагича тасдиқлаб олиш таклифини киритди:

- кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун - 5 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича муҳокамалар учун - 3 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун - 1 дақиқагача;
- санок комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - 10 дақиқа.

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги ушбу масалани муҳокома қилдилар.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун - 5 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича муҳокамалар учун - 3 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун - 1 дақиқагача;
- санок комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - 10 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ф.Б. Ахмеджанов жамиятнинг санок комиссияси аъзоларини қуйидаги таркибда бир йил муддатга сайлаб олишни

йиғилиш иштирокчиларига таклиф қилди:

- Қосимов Умиджон Содикович;
- Ваҳобов Анвар Абдуманноп ўғли;
- Холтоев Мирусмон Мирхамит ўғли.

Саноқ комиссияси таркиби жамият кузатув кенгаши томонидан тузилган.

Йиғилиш қатнашчилари кун тартибидаги иккинчи масала муҳокамасини қилдилар.

Муҳокамадан сўнг қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

- Қосимов Умиджон Содикович;
- Ваҳобов Анвар Абдуманноп ўғли;
- Холтоев Мирусмон Мирхамит ўғли.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Жамият Бош директори в.б. Д.О. Алимова томонидан ҳисобот ўқиб эшиттирилди.

Жамиятнинг соф фойдаси 2020 йилда 72,692 млн. сўмни ташкил этган эди, 2021 йилда Жамият ўз фаолиятини 117,176 млн. сўм соф фойда билан якунлади. Жамиятнинг 2021 йил учун Маҳсулотларни (хизмат кўрсатиш) сотишдан тушум – 274 360,62 млн. сўмни ташкил қилган. Ўтган 2020 йилга нисбатан 317% ўсишга эришилган.

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи – 241 434,51 млн. сўмни, 2020 йилда эса 88 860,65 млн. сўмни ташкил қилган.

Ҳисобот даврида давр харажатлари 14 107,19 млн. сўмни ташкил этди. Давр харажатларининг 91,8 фоизи маъмурий харажатларга тўғри келади.

Жамиятнинг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятининг даромадлари 8 847,57 млн сўм бўлган.

Жамиятнинг 2021 йилдаги молиявий – хўжалик фаолияти якунлари бўйича «PKF MAK ALYANS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан аудит текшируви ўтказилганлигини билдирилди.

Шунингдек, Д.О. Алимова ушбу аудиторлик ташкилоти томонидан 2021 йил якунлари бўйича Жамият фаолияти ижобий тарзда баҳоланганлиги тўғрисида хулосаларини берганлигини қўшимча қилди ҳамда ушбу хулосаларни йиғилиш қатнашчиларига тақдим этди.

Бош директор в.б. Д.О. Алимова томонидан мажлис иштирокчиларига 2021 йил фаолияти якунлари бўйича йиллик ҳисоботи маълумот учун тақдим қилинди (илова қилинади).

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи 1-иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,
Бетараф – 0 овоз.

4. Кун тартибдаги тўртинчи масала бўйича Жамият Тафтишчиси А.Журавлев томонидан ҳисобот ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ҳамда Жамият уставига асосан, Жамият фаолиятининг йил якунлари бўйича Жамият Тафтишчисининг хулосаси акциядорлар йиллик умумий йиғилиши томонидан эшитиб борилади ва тасдиқланади.

Жамият 2021 йил фаолияти молиявий ҳисоботи натижалари «PKF MAK ALYANS» МЧЖнинг ижобий аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тафтишчи томонидан кўриб чиқилиб, хулосада тўлиқ ахборот берилган.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг 2021 йил иш фаолияти якуни бўйича Тафтишчининг ҳисоботи 2-иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,
Қарши – 0 овоз,
Бетараф – 0 овоз.

5. Кун тартибдаги бешинчи масала бўйича Жамият Бош директори в.б. Д.О. Алимова томонидан куйидагилар маълум қилинди.

Жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича 117 176 798,37 сўм миқдорда соф фойда олинган бўлиб, Қонунчилик ва Жамият уставига кўра соф фойда ва зарарларни тақсимлаш тўғрисидаги қарорлар Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан амалга оширилади.

Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги мажлисида Жамиятнинг 2021 йил соф фойдасини куйидагича тақсимлаш тавсия қилинган:

- захира фондини шакллантириш учун – 5 858 898,37сўм (5%);
- акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилингунига қадар тақсимланмай қолдириш – 111 317 900,00 сўм (95%).

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамият томонидан 2021 йилда 117 176 798,37 сўм миқдорда соф фойда кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва ушбу соф фойда куйидагича тақсимлансин:

- захира фондини шакллантириш учун – 5 858 898,37 сўм (5%) ажратилсин;
- акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилингунига қадар 111 317 900,00 сўм (95%) тақсимланмай қолдирилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,
Қарши – 0 овоз,
Бетараф – 0 овоз.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича Жамият Бош директори в.б. Д.О. Алимова «PKF MAK ALYANS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган 2021 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботи маълумотларига кўра, Жамиятнинг ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси миқдори 9 739 848 340 сўмни ташкил қилишини билдирди.

Қонунчилик ва Жамият уставига кўра соф фойда ва зарарларни тақсимлаш тўғрисидаги қарорлар Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан амалга оширилади.

Кузатув кенгашининг 2022 йил 01 июндаги мажлисида Жамиятнинг 2021 йил тақсимланмаган фойдасини қуйидагича тақсимлаш тавсия қилинган:

- захира фондини шакллантириш учун – 513 691 840,00 сўм (5,27%);
- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларига дивиденд тўлаш учун – 9 226 156 500,00 сўм (95%), бунда:
 - жойлаштирилган ҳар бир акцияга 297 (икки юз тўқсон етти) сўм тўлаш;
 - дивидендларни акциядорлар умумий йиғилишида тегишли қарор қабул қилинган санадан кейин 60 кундан кечиктирмасдан пул маблағлари кўринишида тўлаш.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг 9 739 848 340 сўм миқдоридagi ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- захира фондини шакллантириш учун 513 691 840,00 сўм (5,27%) сўм ажратилсин;
- дивиденд тўлови учун 9 226 156 500,00 сўм (95%) ажратилсин;

2. Жамиятнинг жойлаштирилган ҳар бир дона акциясига 297 (икки юз тўқсон етти) сўмдан дивиденд тўлансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2022 йил 27 июндан 23 августгача пул маблағлари кўринишида тўлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

7. Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича Умумий йиғилиш раиси Ф.Б. Ахмеджанов Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига асосан, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича номзодлар келиб тушганлиги бўйича маълумот берди.

Ушбу номзодлар Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида сайлаш учун киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 76-моддасига асосан Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш Кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарика олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар

ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш натижалари:

№	Номзодлар	Ёқлаб берилган овозлар сони
1	Ахмеджанов Фаррух Бахрамович	31 064 500
2	Назаров Отабек Хасан ўғли	31 064 500
3	Норқобилов Искандар Шавкатович	31 064 500

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси Ф.Б. Ахмеджанов Жамият Бош директори в.б. Алимова Д.О. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигида “Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ махсус комиссия суҳбатидан ўтганини билдирилиб, Агентликнинг 2022 йил 27 майдаги КТ/16-02-32-20/634-сонли хати билан Алимова Д.О. нинг Жамият раҳбари лавозимига белгиланган малака талабларига мос келиши тасдиқланганлигини маълум қилди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигидан Алимова Д.О. нинг Жамият раҳбари лавозимига белгиланган малака талабларига мос келиши тасдиқланганлигини инobatга олиб, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига Алимова Дилбар Одилонани Жамият Бош директори лавозимига тайинлаш бўйича тавсия киритганлиги билдирилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 79-моддасига асосан Жамият директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда жамият билан уч йил муддатга тузиладиган шартномада белгиланади.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари ваколати 3 йил муддатга узайтирилсин ҳамда Алимова Дилбар Одилонани Жамият Бош директори лавозимига тайинлансин.

2. Жамият номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала кўриб чиқилмади.

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича Жамиятнинг инвестиция маслаҳатчиси вакили У.С. Қосимов йиғилиш иштирокчиларига Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 88 – моддасига асосан, Жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлигини маълум қилди.

Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаши ва белгилаши мумкинлиги билдирилди.

Ижро органи томонидан акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда аффилиланган шахслар билан тузилиши мумкин бўлган Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар ўқиб эшиттирилди.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг 2022 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда аффилиланган шахслар билан тузиши мумкин бўлган битимлари 4-иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

11. Кун тартибдаги ўн биринчи масала бўйича Жамиятнинг инвестиция маслаҳатчиси вакили У.С. Қосимов йиғилиш иштирокчиларига Жамият Уставига Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига 2022 йил 29 мартда ўзгартиришлар киритилганлиги ҳамда Жамият устав фондининг кўпайиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилаётганлигини маълум қилди.

Жамият Уставининг ўзгартиришлар киритилган янги таҳрири мажлис иштирокчиларига тақдим қилинди.

Жамият Уставига киритилаётган ўзгаришлар Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, маъқулланган.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг Устави янги таҳрирда 5-иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

12. Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича Жамиятнинг инвестиция маслаҳатчиси вакили У.С. Қосимов Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли Жамиятнинг ички корпоратив ҳужжатларини мазкур қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги таҳрири ишлаб чиқилганлигини билдирди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг “Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида” ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомларини янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига

тавсия киритилган.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг “Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомлари янги таҳрирда 6-8-иловаларга асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

13. Кун тартибдаги ўн учинчи масала бўйича Жамиятнинг инвестиция маслаҳатчиси вакили У.С. Қосимов Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сон Қонуни билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига қатор ўзгартиришлар киритилганлиги, жумладан, акциядорлик жамиятларида Тафтиш комиссиясини ташкил қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилиши белгиланганлигини билдирди.

Шунга кўра, Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамиятда Тафтишчини тугатиш масаласини акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиш тавсия қилинган.

Шу билан бирга, Жамият акциядорлари томонидан Тафтишчиликка сайлаш учун номзодлар киритилган бўлиб, Тафтишчи тугатилиши сабабли ушбу номзодни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида келтирилганларга мувофиқ, Жамиятда Тафтишчини тугатиш ҳамда “Жамият Тафтишчиси тўғрисида”ги Низомнинг амал қилиш муддати тугатиш масаласи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига тасдиқлаш учун киритилмоқда.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг Тафтишчиси фаолияти тугатилсин.

2. “Жамият Тафтишчиси тўғрисида”ги Низомнинг амал қилиш муддати тугатилсин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

14. Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала бўйича Жамиятнинг Бош директори Д.О. Алимова Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Жамият Уставига мувофиқ Жамият ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ваколатига киришини билдирди.

Жамият Тафтишчиси фаолияти тугатилиши муносабати билан Жамиятнинг ташкилий тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши керак.

Шунга кўра, Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамиятнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш масаласи акциядорлар умумий йиғилиши тасдиғига киритилган.

Ушбу масала йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама қилинди.

Овоз беришга қўйилган масаланинг таърифи:

1. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириши киритилиб, янги таҳрирда 9-иловага асосан тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 31 064 500 та овоз, ёки 100%,

Қарши – 0 овоз,

Бетараф – 0 овоз.

Кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, акциядорлар томонидан овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссиясига топширилди. Ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг, овоз бериш натижалари саноқ комиссияси томонидан эълон қилинди.

Овоз бериш натижаларига кўра «New Life sug'urta kompaniyasi» АЖ акциядорлари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. Жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун - 5 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича муҳокамалар учун - 3 дақиқагача;
- ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун - 1 дақиқагача;
- саноқ комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - 10 дақиқа.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

1. Саноқ комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

- Қосимов Умиджон Содикович;
- Ваҳобов Анвар Абдуманнон ўғли;
- Холтоев Мирусмон Мирхамит ўғли.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи 1-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг 2021 йил иш фаолияти якуни бўйича Тафтишчининг ҳисоботи 2-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

1. Жамит томонидан 2021 йилда 117 176 798,37 сўм миқдоридан соф фойда кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ва ушбу соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

- захира фондиди шакллантириш учун – 5 858 898,37 сўм (5%) ажратилсин;

• **акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилингунига қадар 111 317 900,00 сўм (95%) тақсимланмай қолдирилсин.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг 9 739 848 340 сўм миқдоридagi ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- **захира фондини шакллантириш учун 513 691 840,00 сўм (5,27%) сўм ажратилсин;**
- **дивиденд тўлови учун 9 226 156 500,00 сўм (95%) ажратилсин;**

2. Жамиятнинг жойлаштирилган хар бир дона акциясига 297 (икки юз тўқсон етти) сўмдан дивиденд тўлансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар 2022 йил 27 июндан 23 августгача пул маблағлари кўринишида тўлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:

Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда тасдиқлансин ва уч йил муддатга сайлансин:

- 1. Ахмеджанов Фаррух Бахрамович;**
- 2. Назаров Отабек Хасан ўғли;**
- 3. Норқобилов Искандар Шавкатович.**

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг ижро этувчи органи раҳбари ваколати 3 йил муддатга узайтирилсин ҳамда Алимова Дилбар Одиловна Жамият Бош директори лавозимига тайинлансин.

2. Жамият номидан меҳнат шартномасини имзолаш Жамият Кузатув кенгаши раиси зиммасига юклатилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича қарор қабул қилинмади.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича:

1. Жамият томонидан қундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг 2022 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда аффилиланган шахслар билан тузиши мумкин бўлган битимлари 4-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг Устави янги таҳрирда 5-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг “Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисида”, “Кузатув кенгаши тўғрисида”, “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомлари янги таҳрирда 6-8-иловаларга асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг Тафтишчиси фаолияти тугатилсин.

2. “Жамият Тафтишчиси тўғрисида”ги Низомнинг амал қилиш муддати тугатилсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича:

1. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритилиб, янги тахрирда 9-иловага асосан тасдиқлансин.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, Йиғилиш раиси Ф.Б. Ахмеджанов йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди. Ушбу мажлис баённомаси икки нусхада тузилди ва 2022 йил __ июнь куни имзоланди.

Йиғилиш раиси

Ф.Б. Ахмеджанов

Йиғилиш котиби

У.С. Қосимов

ФИО	ким томонидан берилгани	паспорт серияси
Алимова Дилбар Одиловна	Toshkent shaxar Mirzo-Ulug'bek tumani ИВ	АА3037694
Ахмеджанов Фаррух Бахрамович	Toshkent shaxar Yunusobod tumani ИВ	АВ9666483
Назаров Отабек Хасан ўгли	Toshkent shaxar Shayhantoxur tumani ИВ	АА1331521
Норқобилов Искандар Шавкатович	Toshkent shaxar Chilonzor tumani ИВ	АА1824479